

қунидан 5-қунигача тақдим этадилар. Тўлиқ ҳисоб-китоб кейинги ойнинг 10-қунигача амалга оширилади.

Агар шартномада кўрсатилган муддатда истеъмол қилинадиган газ ҳажми бўйича ҳисобот тақдим этилмаса, фойдаланилган газ ҳажми учун ҳисоб-китоб газдан фойдаланиш асбоб-ускуналари, газ истеъмол қилувчи қурилмаларнинг бир суткада 24 соат ишлаши ҳисобидан Истеъмолчининг расман давлат рўйхатидан ўтган (тасдиқланган тегишли ҳужжатлари мавжуд бўлганда) қунидан бошлаб ёки даъво муддатига келгусида қайта ҳисоб-китоб қилмаслик шарти билан амалга оширилади.

IV. Табиий газ етказиб беришни тўхтатиш ва узиб қўйиш тартиби

- 4.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб беришни қуйидаги ҳолатларда тўхтатади: Истеъмолчи томонидан газ шартномада келишилган ҳажмдан ортиқча олинган тақтирда; аҳоли ва ижтимоий аҳамиятга эга истеъмолчиларга газ етказиб беришда узилишларни бартараф этиш мақсадида; газ тармоқларига қўшимча газдан фойдаланиш ускуналари ўзбошимчалик билан уланган ҳолатларда; муддати ўтган дебиторлик қарзлар мавжуд бўлганда; газдан фойдаланиш қоидалари қўпол равишда бузилган ҳолатларда; газ учун тўловлар (олдиндан тўловлар) амалга оширилмаганда; шартномада назарда тутилган иқтисодий санкциялар бўйича тўловлар таъминланмаганда.
- 4.2. Шартнома мажбуриятлари бажарилмаганда ва қоидабузарликлар аниқланганда газ тармоқларидан узиб қўйиш ва қайта улаш харажатларини Истеъмолчи тўлайди. Бунда Етказиб берувчи мулкий жавобгар бўлмайди.

V. Тарафларнинг моддий жавобгарлиги

- 5.1. Етказиб берувчи Истеъмолчига газ етказиб бериш шартномасига асосан газ етказиб берилмаган ёки тўлиқ етказиб берилмаганлиги оқибатида етказилган аниқ зарар ва бой берилган фойдасини белгиланган тартибда қоплайди. Етказиб берувчи қуйидаги ҳолатларда газни етказиб бермаганлик ёки тўлиқ етказиб бермаганлик учун жавоб бермайди: Истеъмолчининг газ тармоқларига қўшимча равишда газдан фойдаланиш ускуналарини ўзбошимчалик билан улаши ҳолати аниқланганда; Етказиб берувчи Истеъмолчида тўлов муддати ўтган қарздорлик мавжуд бўлганда аниқ зарар ва бой берилган фойдани қоплаш бўйича ва етказиб берилмаётган табиий газ сифати учун, шунингдек ушбу шартноманинг 4.1. ва 4.2-бандларида назарда тутилган ҳолатларда Истеъмолчи олдида моддий жавобгар ҳисобланмайди.
- 5.2. Етказиб берувчи томонидан шартнома бўйича ўз мажбуриятларини бажармаслик натижасида Истеъмолчига моддий зарар етказилган тақдирда, Етказиб берувчининг айбдор мансабдор шахсига нисбатан энг кам ойлик иш ҳақининг ўн бараваридан ўн беш бараваригача миқдорда жарима қўлланади.
- 5.3. Газ таъминоти тармоқларига руҳсатсиз уланиш, газни ҳисобга олиш қриборининг кўрсаткичларини ўзгартириш мақсадида четдан аралаштириш, ўрнатилган пломбаларнинг бутлигига шикаст етказиш, пломбаларни олиб ташлаш ҳолатлари аниқланган тақдирда Истеъмолчига нисбатан маъмурий ёки жиноий жавобгарлик чоралари қўлланади.
- 5.4. Шартномада кўрсатилган ҳажмдан кам ҳажмда газ етказиб берилган тақдирда, Етказиб берувчига нисбатан «Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни асосида жарима санкциялари қўлланади, қуйидаги ҳолатлар бундан мустасно: форс-мажор ҳолатлари; магистрал ва газ тармоқларидаги авария ҳолатлари; киш даврида вақтинча газ етказиб беришни чеклаш (Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 5 февралдаги 57-сон ва 2008 йил 24 декабрдаги 277-сон қарорлари, шунингдек Қорақалпоғистон Республикаси Вазирлар Кенгаши, вилоятлар ва Тошкент шаҳар ҳокимликлари қарорлари билан тасдиқланган газ етказиб бериш тармоғидан узиб қўйилмайдиган объектлар рўйхатига киритилган корхоналардан ташқари); қабул қилинган шартномавий мажбуриятларнинг Истеъмолчи томонидан бажарилмаслиги.
- 5.5. Етказиб берилган табиий газнинг сифати шартнома ёки норматив ҳужжатлар талабларига мос келмаганда, Истеъмолчи газ қабул қилиш ёки унинг учун ҳақ тўлашни рад этганда Етказиб берувчидан етказиб берилган сифати зарур даражада бўлмаган газ ҳажмининг кийматининг 20 фоизи миқдорда жарима тўлашни талаб қилиш ҳуқуқига эга.
- 5.6. Истеъмолчи томонидан газ етказиб беришга тузилган шартномада кўрсатилган белгиланган ҳажмдан ортиқча газ олинганда, Етказиб берувчи томонидан олдиндан огоҳлантирилмасдан, шартномавий ҳажмлардан ортиқча олинган газ нархига нисбатан 2 коэффицент билан оширилган тўловлар Истеъмолчидан ундирилади.